


Ўлим навбат билан ичиладиган қадаҳдир



16:00 / 29.10.2023 1798

1933 йилда Франклин Рузвельт Америка Қўшма Штатларига президент этиб сайланди.

У пайтлар Америкага ҳавас қилиб бўлмас эди. Мамлакат ҳар томонлама касодга учраган эди. Аммо Рузвельтнинг дарди бу эмас эди. Рузвельтни ташвишга солган нарса халқнинг феъл-атвори эди.

Ўша пайтда инсонлар нафақат керагидан ортиқ кўрқоқ, балки кўрқоқликлари инқироздан чиқиб кетишга халақит ҳам қилаётган эди. Рузвельт халққа қилган илк мурожаатида бу қийин вазиятни яхши билишини, иқтисодий таназзулни эътироф қилишини, қуруқ оптимизм ҳақида гапирмаётганини айтди.

Рузвельт Америкаликларни ўтмишдаги қийинчиликларни, фуқаролик урушлари даврини қандай енгиб ўтишганини эслашга ундади. Бу машаққатлардан уларни олиб чиққан нарса улардаги қатъият ва сабот эканлигини таъкидлаб шундай деди:

«Ҳаммасидан илгари ишонч билан шуни айтишим мумкинки, биз кўрқишимиз лозим бўлган ягона нарса, бу кўрқинчнинг ўзидир. Бу кўрқинчнинг номи йўқ. Уни ақл сиғдирмайди, уни оқлаб бўлмайди. У барча

уринишларимизни чиппакка чиқаради!».

Мурожаат ўз самарасини берди.

Инсонлардаги феъл-атвор ўзгарди. Табиийки, бу нарса уларнинг фаоллигини ҳам оширди.

Ишнинг бошида манбалар ўзгармай қолган бўлсада, рух ўзгарди.

Ҳаётимиздаги муаммонинг кўлами биз унга қайси нуқтадан боқаётганимизга боғлиқ. Унга таслим бўлишимизга ёки унга қарши туришимизга алоқадор.

Ҳамма нарса аввало бизнинг замиримизда ўз ҳақиқатига эга бўлади.

Мен юқорида рух деганда ҳақиқатини англаб бўлмайдиган, сир бўлмиш руҳни назарда тутмадим. Мен инсон нафсини, иймон-ишончини, қарашларини ва биз бино қиладиган қадриятлар лойиҳасини назарда тутдим.

Мисол учун кишига яқинларини йўқотиш оғир ботади. Бунда солиҳ инсонлар ҳам, золимлар ҳам тенгдир. Ҳатто башариятнинг гултожи бўлмиш пайғамбарлар ҳам бу борада биз билан тенг. Улар ҳам инсон.

Нух алайҳиссалом ўғлини йўқотганида қаттиқ алам чеккан эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Ҳадича онамиз ва ўғиллари Иброҳим вафот этишганида аламли кўз ёшларини тўккан эдилар.

Аммо мўъмин билан кофирнинг ўртасида фарқ Аллоҳнинг қадарига таслим бўлиш ёки бўлмасликда намоён бўлади.

Мўъмин мусибатни ҳаёт қонуни деб билади. Ўлим навбат билан ичиладиган қадахдир. Аллоҳнинг қадарининг барчасида гарчи бизга ёқмасида, биз

учун хайр бор. Ҳаёт давом этиши керак.

Иймонига нуқсон борлар эса мусибат билан бирга яшаб қолишади. Улар қадардан норози, доимо шикоят қилишади. Мўъминнинг розилиги ҳам ўтиб кетган аҳбобларини қайтара олмайди, ишончи озларнинг норозилиги ҳам. Фақатгина улардаги руҳ бошқа-бошқа!

Агар муваффақиятга эришадиган гуруҳга эга бўлмоқчи бўлсангиз, фақатгина таълимнинг ўзи билан кифояланиб қолиб, кишиларнинг руҳиятини унутиб қўйманг. Кўп таълимотлар кишиларни асбобга айлантириб қўяди. Агар бунинг ёнида муҳаббат руҳи бўлса ажойиботларни бунёд қилади.

Тўғри, фарзандларингизни зўрлик билан бўйсундиришингиз, уйингизни хавфга асосланган ҳарбий казармага айлантиришингиз мумкин. Аммо кузатув йўқолса бунда ҳаммаси барбод бўлади.

Аmmo уларни муҳаббат билан бўйсундирсангиз уларга ич-ичидан молик бўласиз. Инсонлар сизни яхши кўришса сиз яхши кўрган, сиз амр қилган ишларингизни амр қилинганларини ҳатто ҳис қилмасдан ижро қилишади!

Абдулқодир Полвонов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.